

ЎЗБЕКИСТОН—ҲИНДИСТОН



Дўстлик рамзи

ҲИНДИСТОН билан республика ўртасидаги маданий, дўстлик ва иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб ва мустақамлашиб бормоқда. Яқинда Тошкентда иккинчи дўстликнинг яна бир рамзи — 600 ўринли меҳмонхона пойдеворига гишт қўйилди.

Ҳашаматли бино лойиҳасини таъсирли ҳодимлари Р. Тахтаганов ва Б. Собировлар ишлаб чиққан. Қурилиш ишларини Ҳиндистондаги «Тата» фирмаси олиб боради.

Бу замонавий меҳмонхона — 1 май, К. Маркс, Хоразм ва Совет кўчалари оралиғидаги бўш майдонда қурилади. У баландлиги тўрт қаватдан 14 қаватгача бўлган бир бирга боғланган ахлит бинодан иборат бўлади.


Меҳмонхонанинг юқори қаватида оддий қўлайликлардан ташқари қўшиқ тобланиш учун махсус жой (соларий) ҳам бўлади. Меҳмонларга ўзбек миллий, ҳинд ва Европа таомлари тайёрланадиган ресторани ҳам қўйилди. Унинг олди томонда меҳмонлар ва шаҳарликлар мароқли дам олишлари учун ёнги эстрада майдонлари ташкил қилинади. Майдон чиройига

чирой қўшувчи кичик бинолар қурилади.

Пушкин кўчаси бўйлаб эса халқаро классдаги яна бир 800 ўринли меҳмонхона қад ростлайди. Ушбу меҳмонхонанинг иккинчи киноконцерт зали бўлади. Бу ерда бир вақтда минг нафар томошабин маданий ҳордиқ чиқариши мумкин.

Улар илажада Ўзбекистон меҳмонхонаси билан биргаликда ахлит бир ансамбли ташкил қилади. Суратларда: ҳинд қурувчилари бунёд этадиган меҳмонхона лойиҳаси бош ижроаси В. Кулибаба (чапдан), архитектор Б. Собиров ва бош архитектор Р. Тахтагановлар; ансамблининг макетдаги кўриниши.

Х. МИРЗАКАРИМОВ, Автор фотолари.



РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

АВТОБУС КАТНАМАЙДИ

Область пассажирлар ташвиш автомобил трест раҳбарлари диққатига!

ЯНГИЙУЛ райони «Коммунизм» колхозининг Фрунзе номидаги участкасига ҳеч қандай автобус қатнамайди. Бирор зарур юмуш чиқиб қолса ёки шифохонага зудлик билан боришга тўғри келса жуда қийинамиз. Шунинг учун область пассажирлар ташвиш автомобил трест раҳбарлари бизнинг қийин ҳолатимизни ҳақиқатан ҳам қўйиб қўрсалар ёмон бўлмасди. Балки Калинин район автобус-таксимотор парк раҳбарлари қантайдиган «С. Раҳимов» метро станцияси — «Коммунизм» колхозига маршрутини бироз ўзгатириб Фрунзе номидаги участкага етказиш мумкин эмасмикин?

Ш. ХУШНАЗАРОВ, А. РАҲМОНҚУЛОВ, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари. Хатга ўн киши имзо чекиди.

ҚОТТАН НОН МУАММОСИ

Область савдо бошқармаси раҳбарлари диққатига!

ЖАМОАТЧИЛИК тўпладиган жойларда «Нон» исроф қилмакчи! «Нон» — ризқ-рўзимиз! «Нон» — кишининг ҳаёти. Нонни уюл қилмаслик ҳақида турли йилларда яхши фикрлар билдирилган. Қисқаси, бу ҳаммаки диндадаги. Лекин амалий иш кўришмайди. Жойларда, нон дўконлари ҳузурда қотган нон қабул қилинадиган пунктлар очилса ёки мудоао бўлур эди. Кўп қаватли уйларда яшовчилар қотган нонларни қаерга қўйишни билишмайдик. Қуруқ широбозликдан амалий ишга ўтадиган вақт келмадимикан?

Д. ОБЛАҚУЛОВА, Бекобод шаҳри.

Х. Ҳ. Ниёзий таваллудининг 100 йиллиги олдидан ИНҚИЛОБ КҮЙЧИСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Х. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтига ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўрганишга бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди.

Сессияни институт директори, филолог, фанлари доктори А. Қасимов очди. Шундан сўнг «Тарихий ҳужжат ва ҳаётини ҳақиқат» мавзусида филология фанлари кандидати Т. Зу-

фаров сўзлаб, институт фондида сақланаётган Ҳамза архиви материаллари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирди.

Ҳамза инқилобий шеърининг янги тилидаги намуналарини ҳамда кўпчилигида маънавий Шунингдек Р. Ҳолматовнинг «Ҳамза — ношир ва китобат билдирди», педагогика фанлари кандидати Ж. Усмоновнинг «Ҳамзанинг

Тошкентдаги қадимжолари» ҳамда С. Шукруллоеванинг Ҳамзанинг ўзбек тилидаги асарларини рус тилига таржима қилиш тажрибасидан» ахборотлари ҳам қизиқарли билан тингланди.

Илмий сессияда Ҳамза таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш режалари ҳусусида ҳам маслаҳатлашиб олинди.

Б. ВАЛИЕВ.

БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

Калинин районидagi Куйбисhev номидаги колхоз клубида баҳор байрамига бағишланган қизиқарли кеча ташкил этилди. Бу ерда уруш ва меҳнат ветеранлари, интернационалист-жангчилар, қаҳрамон оналар билан бирга СССР халқ артисти С. Эшонтураева, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимовалар, Ўзбекистон Ленин комсомолы мукофоти лауреати, шоира Г. Нуруллаева ташриф буюрдилар. Ийилганлар С. Эшонтураева ижросидаги «Бой ила хизматчи», «Алишер

Навоий» спектаклларида Жамил ва Гули монограммари, шунингдек «Шошма, кўйиб» спектаклидан парчалар тинглаб, томоша қилдилар. Баҳор ва бахт ҳақидаги янги шеърлар янгради.

Кеча давомида колхоз бадий ҳаваскорлик тўғрисида, «Умид» қизлар ансамбли ҳамда бошқа тарбияланувчилари байрам қатнашчилари ва меҳмонларини ўзларининг шеър ва кўшиқлари, ранг-баранг концерт программалари билан хушнуд этдилар.

О. ЮНУСОВ.

КЎРГАЗМАЛИ ИМТИҲОН

Тошкент Давлат маданият институтининг маданий-оқратув ишлари факультети оммавий байрамлар ташкилотчилари бўлимида 3-4 курс суртки бўлими студентларининг «Ассом, баҳор» деб номланган курс иши имтиҳони бўлиб ўтди. Мазкур театрлаштирилган музикали кўрсатувни ўқитувчи Б. Сайфуллаев бошқарди. Бунда «Дилхирож» рақсини ижро этган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсат-

ган артист Н. Шерматов, Тошкент область Ленин комсомолы мукофоти лауреати, хонанда О. Орифжонов ва Сурхондарё область Ленин комсомолы мукофоти лауреати Б. Курбонваллининг санъатлари юксак баҳоланди. Шунингдек, курс иши имтиҳониде рақсқа қизлар, тақлидчи кўшиқчилар, рақс-танччиликлар ҳамда ақсикабоз студентлар катнашдилар.

А. ТОЛИПОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Сийсий партиялар. Авторлар коллективи. Ўзбек тилида. 400 бет. Баҳоси 1 сўм 20 тийин.

Ушбу справочникда китобхон дунёдаги қатор мамлакатлардаги сийсий партиялар, уларнинг дунёга келиш тарихи билан боғлиқ маълумотлар, сийсий қарашлари ва роли, уларнинг ўз мамлакатлари ҳаётидаги тўғри ўрни, ташкилий структураси, раҳбарлари ҳамда матбуот органлари ҳақидаги маълумотлар билан танишди.

И. МИРЗАЕВ. Воқеаларнинг бадиий тадқиқи. Ўзбек тилида. 26 бет. Баҳоси 4 тийин.

Рисолада Ўзбек адабиётида ҳусусан, насрида кейинги йилларда нисон сиймоси нечоғлиқ бадиий акс этганлиги таҳлил қилинди.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ. Лекторлик маҳорати. Ўзбек тилида. 38 бет. Баҳоси 6 тийин.

Мазкур китобчада Ўзбек радио ва телевидениесининг тараққиёт йўли қисқача тадқиқ этилади. Муаллиф бу борадаги ютуқ ва камчиликларни конкрет фактлар асосида таҳлил этишга ҳаракат қилган.

Т. НИЁЗОВ, нашриёт ходими.

ЧИЛОНЗОР районидagi истикомат қилувчи Иранда Николасов ва Иван Максимович Гришченколар бундан ташқари санъат билан шугулланиб, турли материаллардан ҳар хил манзаралар ясашди. Улар сеvimли машғулотларини мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам тарғиб қилишяпти. СУРАТДА: ҳаваскор расмолар Иранда Николасов ва Иван Максимович Гришченколар.

М. Назаров фотоси.

БУГҲУН—НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газета редакцияси ҳузурдаги жамоатчилик Совети навабдаги қабули бугун — 6 апрель чоршанба кунини соат 17 дан бошлаб ўтказди. Бу сафарги қа-

булни область Совети ижроия комитети юридик бўлимининг мудир Б. Усмонов ўтказди.

Жамоатчилик Советиянинг қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй. 7-қават. 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ ҚАБУЛХОНАСИ

СПОРТ

ЭРТАГА БИРИНЧИ УЙИН

● ЭРТАГА «Пахтакор» футболчилари мамлакат 31-чемпионатининг биринчи ўйинини Волгограднинг «Ротор» командаси билан ўтказишади. Биринчи лига командаларининг дастлабки тур ўйинлари асосан эртага бошланса-да, Душанба шаҳрида мавсумнинг биринчи ўйини бўлиб ўтди. «Памир» футболчилари «Пахтакор»нинг эртанги рақиб бўлган «Ротор» командасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Футбол мухлислари «Пахтакор»нинг бу йилги ўйинига катта ўмид боғлашмоқда. Команда тренерлари ва футболчиларининг иштирокида мухлислар ишончини оқлаб, олий лигага қайтишди. Бу қийин вазифа. Лекин ун бажарса бўлади. Ахир пахтакорчилар бир эмас, бир неча марта бундай вазифанинг удрасидан чиқиб мухлислар ишончини оқлашган. Бошланаётган янги мавсумда кўп сонли футбол ишчи-

боллари номидан «Пахтакор»га омад тилаймиз.

ЗОНАЛ МУСОБАҚАЛАРГА ЙУЛЛАМА

● БИР ҲАФТА мобайнида Андижон областининг Қўрғонтепа шаҳрида қўл тўпи бўйича қизлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Бунда жами 8 команда иштирок этди. Тошкентнинг «Текстильших» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби талабалари (тренери С. Мирзоев) барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, биринчи ўринни эгаллашди. Самарқандликлар иккинчи бўлишди. Тошкентдаги 3-максус болалар ва ўсмирлар олимпиада резервлари мактаби командаси учинчи ўринни олди.

«Текстильших» командаси ҳимоятчиси Оля Плеханова, ҳужумчи Қира Васичкиналар биринчилигининг энг яхши ўйинчилари деб топилди.

Тошкентнинг «Текстильших» ва Самарқанд области гандболчилари Бутуниттифоқ зонал биринчилигида қатнашш ҳуқуқига эга бўлдилар.



«СТАРТ» стадиони теннис секциясида шугулланаётган ҳаваскорларнинг аксарияти разряд нормативларига эга. Ўсимирлар командаси аъзолари Л. Сиров ва Д. Карповлар ҳам иккинчи разряд нормативини бажаришган. Ҳозирда бу икки спортчи шаҳар биринчилигига пухта тараддуд кўришмоқда.

М. НУРИДИНОВ фотоси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ

ОБЛАСТЬ САНИТАРИЯ МАОРИФ УИИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАБ

Фильмлар тематик намоишини ўтказди

ҲУҶЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР: БЕКОБОД ШАҲРИ, «ЎЗБЕКИСТОН» КИНОТЕАТРИДА


7 апрелда — Чекишни қандай ташлаш мумкин.
8-9 апрелда — Саломатликнинг ҳавфли душмани. ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ, «ОЛМАЛИҚ» КИНОТЕАТРИДА
7 апрелда — Чекишни қандай ташлаш мумкин.
8-9 апрелда — Ҳаракат ва юрак. ҚИБРАЙ ПОСЕЛКАСИ, «СОЮЗ» КИНОТЕАТРИДА
7 апрелда — Соғлиққа раҳна солувчи тўтуя. Ҳаёт ва ўлим оралиғида беш дақиқа.
8-9 апрелда — Ҳаёт ёлқини. ТҶҲИП ШАҲРИ, «ВЛКСМ 40 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

7 апрелда — Чекишни қандай ташлаш мумкин.
8-9 апрелда — Ҳаётимиз оҳанглари. Табиат ва инсон имкон қидиради.
ЧИРЧИҚ ШАҲРИ, «НАВОИЙ» КИНОТЕАТРИДА
7 апрелда — Сўнги ситарета сари йўл.
ЯНГИЙУЛ ШАҲРИ, «ПОВЕДА» КИНОТЕАТРИДА
7 апрелда — Мен бошқа чекмайман.
НОВОМИХАЙЛОВСКИЙ ПОСЕЛКАСИ
7-8 апрелда — Тамаки тарихи. Хирургга етти савол.
ҲАЗЛКЕНТ ШАҲРИ, «БҶСТОН» КИНОТЕАТРИДА
7 апрелда — Меҳнат ва соғлиқ.
ЯНГИБОД ШАҲРИ, «РАДУГА» КИНОТЕАТРИДА
7-8 апрелда — Тибет тиббиёти сирлари. Саломатлик дарслари.

БҶКА ШАҲРИ, «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
7 апрелда — Афсона ва ҳақиқат. Калория ва соғлиқ.

ЧОРБОҒ СЕРВИЗИ

МАЗКУР СЕРВИЗ УЧ КИШИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БУЛИБ, УЧТА ЧУҚУР ВА УЧТА САЪЗ ТАРЕЛКАЛАРДАН, ЛИБОВЧА ҲАМДА ШҶР БАЛИҚ СОЛНАДИГАН ЧУЗИЧОК ИДИШДАН ТАРКИВ ТОПГАН. УНИ ҲҶЖАЛИК МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ МАГАЗИНЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИШ МҶМКИН.
Нарх — 8 сўм 50 тийин.



«ЎЗҲОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«ПЕПСИ-КОЛА» ИЧИМЛИГИ

ПЕПСИ-КОЛАНИ КАТТАЛАР ҲАМ, БОЛАЛАР ҲАМ БИРДАЙ СЕВИБ ИЧИШАДИ.

СОВУҚ ҚОЛДА ИЧИЛГАНДА КИШИГА ЯНА ҲАМ ЕҶИМЛИ ТҶЮЛАДИ.

Ўзига хос ширин таъмига эга бўлган кўпириб турувчи, хушбўй бу ичимликни ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Пепси-кола озиқ-овқат магазинлари ва гастрономларда, чанқовбосди ичимликлар сотиладиган киоскларда ҳамда «Ором» фирма магазинида сотилмоқда.

Баҳоси — 45 тийин.

ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ «СОЮЗТОРГРЕЛКАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШТИРИЛГАН ТҶБЕКСТОН АГЕНТЛИГИ.

ШАХСИЙ УЙ-ҶОЙ ВА БОҒ УЙЛАРИ ҚҶРАЕТГАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

ЧИРЧИҚ ЕҶИЛҒИ-ЕҶОҒ САВДОСИ БАЗАСИДА

ҚҶИИДАГИЛАР САВДОДА МАВЖУД:

— кенг ассортиментда тўсинбоп ёғочлар ва араланадиган ёғоч материаллар, фанер, шифер, цемент, томга қоқилдиган пўлат, газопровод ва 150 мм. ли асбосемент трубалари, қошиқкор ва метлаш плиталар, оҳан, пилиган гишт, темир-бетон буюмлари (томларга ёпиладиган плиталар ва панеллар, фундамент блоклари ва темир-бетон халқалар), қориштирилган тайёр бетонлар (ерга тўшаладиган ва сувоқ учун фойдаланиладиган), сантехника асбоб-ускуналари, буюмлар, турли бўёқлар ва бошқа кимёвий-ишқор буюмлари, дурадгорлик моллари (дараза блоклари, шифер рейкалари, шип рейкалари ва полларнинг зихига қоқилдиган ёғоч рейкалар, плитуслар).

БАЗА — соат 9 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача, дам олиш кўни — якшанба, шанба кўни, база соат 9 дан 14.00 гача ишлайди.

Қўйилган адреста мурунот қилинган: 700211, Чирчиқ шаҳри, Қорасув кўчаси, Телефонлар: 5-36-67, 5-37-76, 5-36-63.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КҶЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БҶИЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; санаят қилиш ва қурилиш — 325749; қишлоқ ҳўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социял масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълолар бўлими — 325727.